

«Асака» акциядорлик тижорат банки
_____ вилоят филиали тўғрисида

Н И З О М

«ТАСДИҚЛАНГАН»
«Асака» банки Кенгашининг
2015 йил «19» октябрь 2015 й
24 - сонли баённомаси
Банк Кенгаши Раиси

Тошкент шаҳри

I. Умумий қоидалар

1.1. «Асака» акциядорлик тижорат банкининг (кейинги ўринларда Банк деб аталади) _____ вилоят филиали (кейинги ўринларда Вилоят филиали деб аталади) Ўзбекистон Республикаси банк-молия бозорида рақобат мавқеини мустаҳкамлаш, даромадини ошириш мақсадида Банк Кенгаши қарори асосида ташкил этилган.

1.2. Вилоят филиали ўз фаолияти давомида Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари фаолиятига тааллуқли бўлган меъёрий ҳужжатларига, Банк Устави, Кенгаши ва Бошқарувининг қарорлари, Банкнинг ички низомлари, тартиблари, қоидалари, буйруқ ва фармойишлари ҳамда ушбу Низомга риоя қилади.

1.3. Вилоят филиали Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан эътиборан банк фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

1.4. Вилоят филиали Банкнинг алоҳида таркибий бўлинмаси ҳисобланади. Вилоят филиалига мазкур Низом доирасида Банкнинг ушбу вилоят ҳудудида жойлашган барча филиаллари (кейинги ўринларда Филиаллар деб аталади) фаолиятини мувофиқлаштириб туриш, бошқариш ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги меъёрий ҳужжатлари асосида белгиланган тартиб ва муддатларда ўз ҳудудида жойлашган банкнинг филиалларини барча амалиётлар бўйича текшириб туриш ваколати берилган.

1.5. Вилоят филиали юридик шахс мақомига эга эмас. Унинг барча мажбуриятлари бўйича Банк жавобгар. У ҳужалик фаолиятини юритишда Банк номидан иш олиб боради.

1.6. Банк Вилоят филиалига у ўз фаолиятини тўлиқ юритишни таъминлайдиган даражада зарур маблағ ва мол-мулкни бириктириб қўяди. Вилоят филиали эса ушбу маблағ ва мол-мулкни мазкур Низомга мувофиқ унга берилган ҳуқуқлар доирасида тасарруф этади.

1.7. Вилоят филиали ўз балансига, ўзининг тўлиқ номи ўзбек тили лотин алифбосида ёзилган ҳамда Банкнинг логотипи тасвири туширилган думалоқ муҳрга, ўзбек тили лотин алифбосида ёзилган Банкнинг номи ва ўзининг номи ҳамда Банк логотипи тасвири туширилган фирма бланкаси ва тамға (штамп)ларга эга.

1.8. Вилоят филиалининг манзили: Индекс, вилоят, шаҳар, кўча, уй.

1.9. Вилоят филиалининг ўзбек тилидаги фирма (тўлиқ расмий) номи:

«Асака» акциядорлик тижорат банки _____ вилоят филиали.

Вилоят филиалининг ўзбек тилидаги қисқартирилган фирма номи:

«Асака» банк _____ вилоят филиали.

Вилоят филиалининг лотин алифбосига асосланган ўзбек тилидаги тўлиқ фирма номи:

«Asaka» aksiyadorlik tijorat banki _____ viloyat filiali.

Вилоят филиалининг лотин алифбосига асосланган ўзбек тилидаги қисқартирилган фирма номи:

«Asaka» bank _____ viloyat filiali.

Вилоят филиалининг рус тилидаги тўлиқ фирма номи:

_____ об­ласт­ной филиал акционерного коммерческого
Банка «Асака»

Вилоят филиалининг рус тилидаги қисқартирилган фирма номи:
_____ об­ласт­ной филиал банка «Асака».

Вилоят филиалининг ин­глиз тилидаги тўлиқ фирма номи:
_____ region branch of the Joint-Stock Commercial Bank «Asaka».

Вилоят филиалининг ин­глиз тилидаги қисқартирилган фирма номи:
_____ region branch of «Asaka» Bank.

II. Вилоят филиалининг банк амалиётлари

2.1. Вилоят филиали ўз мижозларига ҳисоб-китоб, касса, кредит ва уларга тенглаштирилган амалиётлар ҳамда бошқа банк амалиётларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Бан­ка берилган лицензияда рухсат этилган ваколатлар доирасида ҳамда Вилоят филиали бошқарувчисига Банк Бошқаруви Раиси томонидан бериладиган ишончномада назарда тутилган қуйидаги банк амалиётларини бажаради:

- юридик ва жисмоний шахсларнинг миллий ва чет эл валютасида ҳисобварақларини ўрнатилган тартибда очиш, уларни юритиш ва ёпиш, ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш;

- омонат ва депозитларни миллий ва чет эл валютасида жалб қилиш, уларни жойлаштириш, ёпиш ҳамда улар бўйича ҳисоб-китоб қилиш;

- кредитнинг қайтаришлилик, фоизлилик, муддатлилик, таъминланганлилик ва мақсадли ишлатишлилик тамойиллари билан ўз маблағи ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан миллий ва чет эл валютасида кредитлар бериш ҳамда уларга тенглаштирилган молиявий инструментлар орқали амалиётлар кўрсатиш;

- инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш;

- маблағ эгаси ёки маблағни тасарруф этувчи билан тузилган шартномага мувофиқ пул маблағларини бошқариш;

- амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чет эл валютасини юридик ва жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш;

- пул маблағлари, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини ин­кас­со қилиш;

- амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ учинчи шахслардан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш;

- банк фаолияти юзасидан маслаҳат ва ахборот хизмати кўрсатиш;

- жисмоний ва юридик шахсларга ҳужжатлар ва бошқа бойликларни сақлаш учун махсус бинолар ёки улар ичидаги депозит ячейкаларини ижарага бериш;

- молиявий лизинг амалиётларини ўрнатилган тартибда кўрсатиш;

- ўрнатилган тартибда мини-банклар, валюта айирбошлаш шохобчалари, махсус ва жамғарма кассалар, чакана банк хизматлари шохобчаларини очиш;

- мижозларга миллий ва чет эл валютасида касса хизматини кўрсатиш;

- масофадан туриб банк хизматларини кўрсатиш;

- халқаро банк амалиётига мувофиқ, Банк лицензиясида махсус кўрсатилган бошқа амалиётларни бажариш;

- Банк рухсати билан қимматли қоғозлар харид қилиш, сотиш, ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, қимматли қоғозлар билан боғлиқ бошқа амалиётларни ҳам амалга ошириш;

- миллий ва чет эл валютасидаги пластик карточкалар орқали хизматлар кўрсатиш;

- халқаро пул ўтказмалари тизими бўйича хизматлар кўрсатиш;

- жорий валюта операцияларини бажариш;

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Банкнинг рухсати ёки фармойишига мувофиқ амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган бошқа банк амалиётларини бажариш;

2.2 Вилоят филиали ва мижозлар ўртасидаги муносабатлар, банк ҳисобварағи шартномасида белгиланган ўзаро мажбуриятлари ва жавобгарликлари тенг ҳуқуқлилик ҳамда манфаатдор ҳамкорлик тамойиллари асосида амалга оширилади.

III. Кредит ресурслари ва уларни тартибга солиш

3.1. Вилоят филиалининг кредит ресурслари қуйидагилар ҳисобидан шаклланади:

- Банк томонидан ажратилган маблағлардан;

- мижозларнинг ҳисобварақларидаги маблағларидан;

- жалб қилинган маблағлардан;

- Банк томонидан белгиланган миқдорларга асосан, Вилоят филиали ихтиёрида қоладиган фондларга ажратмалар ва ўз маблағларидан;

- Банкнинг рухсати билан Банкнинг бошқа филиалларидан олинган маблағларидан;

- бошқа банк мижозлари бўлган корхоналардан, шартнома асосида жалб қилинган маблағларидан;

- амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган бошқа жалб қилинган маблағлардан.

3.2. Вилоят филиали Банк томонидан ўрнатиладиган кредитлашнинг лимити доирасида мавжуд бўлган ва жалб қилинган кредит ресурслари ҳисобидан кредитлашни амалга оширади.

3.3. Вилоят филиалининг бўш кредит ресурслари Банкнинг қарорига биноан, Банк филиаллари ўртасида тўловли асосда қайта тақсимланиши мумкин.

3.4. Вилоят филиали томонидан кредит ресурсларини бошқа тижорат банкларига тўловлилик асосида жойлаштириш, фақат Банкнинг рухсати билан амалга оширилади.

3.5. Вилоят филиали ўз ҳисобварағининг ликвидлигини сақлаб туриш мақсадида Банк ёки Банкнинг бошқа филиалларидан ресурс олиши ва ўз навбатида ҳисобварағидаги ортиқча бўлган ва бўш турган маблағларни маълум муддатга (30 кундан кам бўлмаган) Банкка ёки Банкнинг рухсати билан Банкнинг бошқа филиалларига жойлаштириш ҳуқуқига эга.

IV. Мижозлар манфаати ҳимояси

4.1. Вилоят филиали омонатчилар манфаатини ҳимоялаш ва Банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида, доимий равишда ўзининг ва вилоят ҳудудида жойлашган Банк филиалларининг мажбуриятларини белгиланган вақтда ва тўлиқ бажарилиши учун масъулдир.

4.2. Вилоят филиали мижозлар операциялари, ҳисобварақлари ва омонатлари, уларнинг вакилларига доир маълумотларни сир сақлашга ва ўз вақтида ҳисоб-китобларни амалга оширишга кафолат беради. Вилоят филиалининг барча ходимлари “Банк ходимларининг касб одоб-ахлоқи кодекси”га амал қилишлари, мижозлар операциялари, ҳисобварақлари ва омонатлари ҳамда вакилларига доир маълумотларни сир сақлашлари шарт.

4.3. Вилоят филиали банк сирини ташкил этувчи маълумотлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг “Банк сирини тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1996 йил 6 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ва Марказий банкининг банк сирини тўғрисида”ги Низомида, 2004 йил 20 августдаги 186-сонли “Асака” акциядорлик тижорат банкида банк сирининг муҳофаза қилиниши тартиби тўғрисидаги Низом”да белгиланган талабларга амал қилган ҳолда иш юритишлари зарур.

4.4. Вилоят филиали банк сирини ташкил этувчи маълумотларни прокуратура, тергов ва суриштирув органларига мазкур банк мижозига (вакилига) нисбатан қўзғатилган жиноят иши мавжуд бўлган тақдирда, етказилган зарар ундириб олинишини ёки унинг мол-мулки хатланишини таъминлаш мақсадида терговчи ёхуд суриштирувчининг асослантирилган қарорига биноан прокурор санкцияси билан тақдим этади.

4.5. Вилоят филиали банк сирини ташкил этувчи маълумотларни судга унинг ёзма сўрови асосида, мазкур банк мижозига (вакилига) нисбатан суднинг иш юритувидаги ишлар бўйича тақдим этади.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар суд ижрочисига унинг ёзма сўрови асосида, суднинг ундирувни мазкур банк мижозининг (вакилининг) мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги ёки бу мижознинг (вакилининг) мол-мулкини хатлаш ҳақидаги қонуний кучга кирган қарори бўлган тақдирда тақдим этилади.

4.6. Мижоз (вакил) тўғрисидаги, банк сирини ташкил этувчи маълумотлар унинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворисларига, агар уларнинг ўзи ёки улар ваколат берган вакиллар қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос ҳуқуқини ёки ҳуқуқий ворисликни тасдиқловчи барча зарурий ҳужжатларни тақдим этсалар, Вилоят филиали томонидан тақдим этилади.

Мерос ҳуқуқини ёки ҳуқуқий ворисликни тасдиқламайдиган ҳужжатлар олинган тақдирда, Вилоят филиали мурожаат қилган шахсга у сўраган маълумотларни тақдим этиш имконияти йўқлиги хусусида уч иш куни ичида ёзма равишда хабардор қилиши шарт, шунингдек қўшимча ҳужжатлар тақдим этишни талаб қилишга ёки мурожаат этган шахснинг мерос ҳуқуқини ёхуд ҳуқуқий ворисликни тасдиқлаб бериш тўғрисидаги ёзма сўровни тегишли нотариусга ёки юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга юборишга ҳақли.

Мерос ҳуқуқини ёки ҳуқуқий ворисликни тасдиқловчи барча зарурий ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда, Вилоят филиали мурожаат этган шахсга беш иш куни ичида тегишли мижоз (вакил) тўғрисидаги тўлиқ маълумотларни бериши ва барча ҳужжатларни тақдим этиши шарт.

4.7. Вилоят филиали банк сирини ташкил этувчи маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига ўз мижозига (вакилига) солиқ солиш масалаларига тааллуқли ҳолларда қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этади.

4.8. Вилоят филиалининг банк сирини ҳисобланган маълумотларга рухсати бўлган ходимлари банк сирини ташкил этувчи маълумотларни ошкор қилганликлари учун амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

V. Вилоят филиалининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

5.1. Вилоят филиали қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Вилоят филиалининг тўлиқ фаолият кўрсатишини таъминлаш учун барча хўжалик масалаларини ҳал қилиш;
- Банк номидан берилган ишончнома асосида ўрнатилган тартибда битим ва шартномалар тузиш, уларнинг бажарилишини таъминлаш;
- Банк мижозларидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳисоботлар ва маълумотлар, шунингдек, кредит, лизинг ва уларга тенглаштирилган молиявий хизматлардан фойдаланадиган мижозлардан уларнинг тўловга қобилиятлилигини, бериладиган кредит ва лизингларнинг қайтарилиши, фоизлилиги, муддатлилиги, таъминланганлилиги ва мақсадли ишлатилишини тасдиқловчи ҳисоботлар, баланслар ва бошқа зарур бўлган ҳужжатларни олиш;
- Банкнинг ўз маблағи ёки кредит ва лизинглари иштирокида амалга оширилиши кўзда тутилаётган қурилиш, объектларни техникавий қайта жиҳозлаш ва хўжалик фаолиятининг бошқа соҳасига оид лойиҳаларнинг экспертиза қилинишини талаб қилиш;
- мижоз кредит ва лизинг шартномасида белгиланган мажбуриятларни бажармаганда ёки унинг ҳисоботларни тўғри тузмаганлиги ёхуд бухгалтерия ҳисоби нотўғри олиб борилаётганлиги аниқланганда ҳамда мақсадли ишлатилмаганда берилган кредит ва лизингни муддатидан олдин ундириб олиш, лизинг объектини олиб қўйиш, бошқа кредит бериш ва лизинг хизмати кўрсатишни тўхтатиш;
- қарз олувчининг гаровга қўйилган мулки таъминотини текшириш;
- олинган кредит ва лизингларни ўз вақтида тўлаш мажбуриятларини бажармаётган қарздорларни тўловга қобилиятсиз деб эълон қилиш ва уларни банкрот деб топишни сўраб, Банк номидан берилган ишончнома асосида хўжалик судига даъво киритиш;
- Вилоят филиалидаги таркибий бўлинма тўғрисидаги низомларни ва ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;
- Вилоят филиали ваколатига кирадиган масалалар бўйича буйруқ ва бошқа ҳужжатлар чиқариш;
- ходимларни ишга қабул қилиш ва улар билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш;

- Вилоят филиали ходимларини белгиланган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажарганликлари учун рағбатлантириш, ижро ва меҳнат интизомини бузганликлари, ишдаги камчиликлари учун эса моддий, маъмурий ва интизомий чоралар кўриш;
- ўз ваколатлари ва қонун доирасида Вилоят филиалининг мол-мулки ва маблағини тасарруф этиш;
- ўз тасарруфидаги Филиаллардан ва мижозлардан бухгалтерия ҳисоботини, балансини ҳамда бошқа зарур маълумотларни олиш;
- шартномалар асосида, тарифларга биноан, актив ва пассив амалиётлар учун фоиз ставкаларини ҳамда кўрсатилган хизматлар учун воситачилик ҳақларини ваколоти доирасида белгилаш;
- Вилоят филиали ва ўз тасарруфидаги филиаллар фаолияти устидан назорат қилиш, Банкка жамланган ҳолда тақдим этиш учун Филиаллардан ҳисоботлар ва уларнинг фаолиятига доир бошқа маълумотларни талаб қилиб олиш;
- Вилоят филиали иш фаолияти билан боғлиқ масалаларни Банк Бошқаруви йиғилишида кўриб чиқиш учун тақдим этиш;

5.2. Вилоят филиали ўз фаолиятида қуйидагиларни бажаришга мажбур:

- ўз ликвид ресурсларини етарли даражада сақлаб туришга;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг йўриқномаларида ҳамда Банкнинг ички Низомларида кўзда тутилган тартибда Вилоят филиали ва ўз тасарруфидаги филиаллар активларини таснифлаш ва унга мос равишда заҳиралар ташкил қилишга;
- зарар кўриш хавфини камайтириш мақсадида ўз активларини диверсификация қилишга;
- жалб этилган маблағларнинг бир қисмини мажбурий заҳира шаклида Марказий банкда сақлашга;
- асосий воситалар, техника ва бошқа қимматликларнинг бутлигини сақлашга;
- ўз фаолияти давомида Банк томонидан ўрнатилган бизнес-режада белгиланган фойда олишни таъминлашга;
- банк амалиётларини ўтказишда қонун талабларига қатъий риоя қилишга;
- бухгалтерия ҳисоби ва бошқалар бўйича амалиётлар ўтказишда тўғрилиқ ва ҳаққонийлик тамойилларига амал қилишга;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг топшириғига кўра Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг касса ижросига доир операцияларини бажаришга;
- Вилоят филиали ушбу вилоят ҳудудида жойлашган шаҳар ва туман филиаллари кассаларидаги пул ва тангалар ҳамда бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида сақланиши ва улар бўйича операциялар ўтказилишини ҳар ойда камида бир марта, филиал биноларидан ташқарида жойлашган операция кассаларда пул ва тангалар ҳамда бошқа қимматликлар билан операциялар ўтказилиши ва уларни кун давомида сақланиши, қимматликларни ташилиши тартибини ҳар чорақда камида бир марта тўсатдан тафтиш ўтказишга;

- ўз фаолиятига оид ҳисобот ва бошқа ахборотларни Марказий банкка, “Банк сири тўғрисида”ги Қонун талабларидан келиб чиқиб, статистика бошқармаларига ва бошқа идораларга ўз вақтида ва сифатли тайёрлаб, тақдим этишга;
- ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тартибда ва муддатда ўз архивларида сақлашга.

VI. Вилоят филиалининг соф фойдаси ва уни тақсимлаш тартиби

6.1. Вилоят филиалининг соф фойдаси Банк уставига ва/ёки Банк ички тартибларида белгиланган тартибда тақсимланади.

6.2. Вилоят филиали молиявий-хўжалик фаолиятини, Банк Кенгаши ёки Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан жорий молиявий йил учун тасдиқланган бизнес-режа ҳамда капитал харажатлар сметаси доирасида амалга оширади. Вилоят филиали даромадининг қуйи чегараси ва харажат қисмининг юқори чегараси бизнес-режанинг аниқ бандларида акс эттирилади.

6.3. Вилоят филиалининг тижорат фаолиятидаги асосий кўрсаткичи фойда бўлиб, у Вилоят филиали ва унга тегишли Филиаллар фаолиятини умумловчи самара кўрсаткичи ҳамда Вилоят филиали фаолиятини мустақамлаш ва ривожлантиришнинг асосий манбасидир. Вилоят филиалининг фойдаси унинг барча фаолиятидан олинган даромадлардан, операцион ва моддий сарф-харажатлар, шу жумладан, меҳнат ҳақи харажатлари чегирилгандан сўнг шаклланади.

Вилоят филиалининг асосий даромадлари:

- фоизли даромадлардан (кредит, лизинг ва бошқалардан фоиз кўринишида);
- воситачилик тўловларидан;
- консалтинг хизмати тўловларидан;
- бошқа банк амалиётларидан;

Харажатларининг асосий турлари:

- маъмурий-хўжалик харажатлари;
- фоизсиз харажатлар;
- фоизли харажатлар;
- активлар бўйича ташкил қилинган заҳиралар;
- операцион харажатлар;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар;
- қўриқлаш учун харажатлар;
- нақд пул инкассацияси учун тўловлар;
- бошқа ташкилотлар ва ҳисоблаш марказлари хизматлари ҳамда бошқа харажатлар учун тўловлардан иборат.

Маъмурий-хўжалик мақсадлари учун харажатлар қатъий сметада белгиланган меъёр доирасида амалга оширилади.

6.4. Вилоят филиали олинган фойдадан маълум улушини Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган Тартибга кўра Банк фондларига ўтказди, қолган маблағлар Вилоят филиали ва унга қарашли филиалларни ривожлантириш учун умумий заҳиралар фонди ҳисобига йўналтирилади.

VII. Вилоят филиалини бошқариш

7.1. Банк Вилоят филиали фаолиятига умумий раҳбарлик қилади.

7.2. Вилоят филиалининг кундалик фаолиятига Вилоят филиали бошқарувчиси бевосита раҳбарлик қилади ва Банк Бошқарувига тўғридан-тўғри бўйсунди.

7.3. Вилоят филиали бошқарувчиси ва бош бухгалтери Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг розилиги асосида белгиланган тартибда Банк Бошқаруви Раиси томонидан тайинланади.

7.4. Вилоят филиали бошқарувчиси Банк Бошқаруви Раиси томонидан берилган ишончнома асосида ва ушбу Низомга мувофиқ ўзига берилган ваколатлар доирасида:

- Банк Акциядорлари йиғилиши, Банк Кенгаши ва Бошқаруви қарорлари асосида Вилоят филиали ваколатига кирадиган масалалар бўйича буйруқ ва фармойишлар чиқариш;

- Вилоят филиали ва ўз тасарруфидаги Филиаллар фаолиятини назорат қилишни ташкил қилиш;

- Вилоят филиали ушбу вилоят ҳудудида жойлашган туман ва/ёки шаҳар филиаллари бошқарувчилари, бошқарувчи ўринбосарлари ва бош бухгалтерларини белгиланган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажарганликлари учун рағбатлантириш, ижро ва меҳнат интизомини бузганликлари, ишда йўл қўйилган камчиликлар аниқланган тақдирда эса уларга нисбатан моддий, интизомий ва маъмурий чоралар кўриш бўйича Банкка таклифлар киритиш;

- Вилоят филиали ҳамда ушбу вилоят ҳудудида жойлашган туман ва/ёки шаҳар филиаллари иш фаолияти билан боғлиқ бўлган масалаларни Банк Бошқаруви йиғилишида кўриб чиқиш учун тақдим этиш;

- Банк номидан суд органларида даъвогар ва жавобгар шахс сифатида иштирок этиш;

- Банк номидан берилган ишончнома асосида банк мижозлари бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг талаб, ариза ва даъволарини кўриб чиқиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш каби вазифаларни бажаради.

7.5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг, Марказий банк, бошқа давлат органлари ҳамда Банкнинг қарорлари, фармойишлари, баённомаларидан келиб чиқадиган, амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган бошқа вазифа ва мажбуриятларни бажаради.

7.6. Вилоят филиали бошқарувчиси Вилоят филиалига ва унинг тасарруфида бўлган филиалларга юклатилган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавобгардир.

7.7. Вилоят филиалининг бош бухгалтери эса бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботнинг тўғри ҳаққоний амалга оширилиши ва юритилиши учун масъулдир.

VIII. Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот

8.1. Вилоят филиалида бухгалтерия ҳисобини юритиш, ҳисоботлар тузиш ва ҳужжатларнинг юритилиши Ўзбекистон Республикаси Марказий

банки томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва миллий стандартлар асосида белгиланган қоидаларга, шунингдек, Банкнинг қарорлари, фармойишлари ва бошқа ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

8.2. Вилоят филиали ва унинг тасарруфидаги филиалларнинг фаолияти натижалари уларнинг ойлик, чораклик ва йиллик балансларида, даромад ва харажатлар, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилиб, Банкнинг йиғма балансига қўшилади ҳамда белгиланган вақтларда ва тўлиқ ҳажмда Банка, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳудудий Бош Бошқармаларига, “Банк сири тўғрисида”ги Қонун талабларига амал қилган ҳолда статистика, солиқ органларига, шу жумладан, ўрнатилган тартибда бошқа идораларга тақдим этилади.

8.3. Вилоят филиали ҳар куни тезкор каналлар орқали Банка йиғма бухгалтерия балансини топширади.

8.4. Вилоят филиали молиявий йилни 1 январдан бошлайди ва 31 декабрда якунлайди.

IX. Вилоят филиали фаолиятини тафтиш қилиш ва текшириш

9.1. Ҳисоб ва ҳисобот қоидаларига амал қилиниши, бойликларнинг сақланиши, баланс ликвидлигига ва амалдаги қонунчиликка риоя қилиниши масалалари бўйича Вилоят филиали фаолиятини текшириш Тафтиш комиссияси, Банкнинг ички аудит хизмати ва Банкнинг бошқа тегишли таркибий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

9.2. Вилоят филиали фаолиятини назорат қилиш ва текшириш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа тегишли идоралар томонидан амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

X. Вилоят филиали фаолиятини тўхтатиш

10.1. Вилоят филиалининг фаолияти Банк Кенгаши қарорига асосан, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тўхтатилади.

10.2. Вилоят филиалининг фаолияти тўхтатилгандан сўнг, унинг мол-мулки, банк ходимлари билан иш ҳақиға оид ҳисоб-китоблар, мижозлар, омонатчилар, бюджет ва бошқа кредиторлар олдидаги мажбуриятлари бажарилгандан кейин қолган мулки Банка ўтказилади.

10.3. Вилоят филиали фаолияти тўхтатилганлиги тўғрисидаги эълон матбуотда чоп этирилади.

10.4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Банкларни давлат рўйхатига олиш Китобидан чиқарилганидан сўнг Вилоят филиали фаолияти тугатилган деб ҳисобланади.